

Вояга етмаганлар
давлат ҳимоясида



2

Бешикларинг кўп
бўлсин, дунё!

5



6

Биз аслида киммиз?

Уйини топиб
борган мушук



8

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



Шавкат СУЛТОНОВ
сурат-лавҳаси

Чевар қизларимиз игна билан битган «достон»лар
ҳар бир ўзбек хонадонини безаб турсин!

Болангизнинг кўзлари кимда?

Болалар одатда ота-онаси олдида ўзини одобли кўрсатишга ҳаракат қилади. Уларнинг асл хулқ-атвори кўча-кўйда кўпроқ намоён бўлади. Зотан, бугунги ёш авлодни



нафақат етти маҳалла, балки етмиш «маҳалла» — ўқитувчилари, ўртоқлари, қолаверса, телевизор, радио, интернет ва шунга ўхшаш воситалар ҳам тарбиялаяпти. Бу борада дафтар муқовалари ва кийим-кечакка туширилган турли суратлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Аввало, мазкур масала бўйича ота-оналарнинг фикри қандайлиги билан кизикдик.

4

Ушбу сонда:

15 нафар бемор болага ёрдам.....	2
Қиз узатаман деб бели синганлар ўқимасин!	2
227 кишига 15 млрд 203 млн сўм берилди	3
Ўтай бўлсангиз ҳам, хафа бўлмас эдим	4
Қарз қиёматга қолмасин!	6
Қичқирсангиз, ёмғир ёғали	7
Пуппги куйган отанинг бахти	7
27 давлат орасида биринчи, 54 мамлакат орасида эса учинчи	8

“ОБУНА — 2012” Индекс — 176

“Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштариийлар!

Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси — доимий ҳамкоримиз!



БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ — фаровон келажакимиз калити

Куйдаги статистик маълумотларга эътибор қилинг: бугун жаҳон миқёсида 100 миллионга яқин болалар ҳолдан тойдирадиган меҳнат, майда ўғрилиқ, фоҳишалар ёки тиланчилик ҳисобига кун кечирмоқда; 50 миллиондан зиёд болалар соғлиқ учун хавфли ва зарарли шароитларда меҳнат қилмоқда; 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган 120 миллион бола мактабга бориш имкониятидан маҳрум; ҳар йили 3,5 миллион бола олдини олиб ва даволаб бўлмайдиган касалликлар туйғайли ҳаётдан кўз юммоқда...

Ҳа, беш бармоқ баробар эмас. XXI асрга қадам қўйган инсоният ўз жигарғўшаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳанузгача тўла таъминлаб қўя олгани йўқ. Халқимиз болалари ҳам худди шундай салбий статистика-

ларга кириб қолмаслиги учун эса истиқлолнинг илк йиллариданоқ саъй-ҳаракатлар бошланган ва бу борадаги хайрли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом этмоқда. Хусусан, мустақил Ўзбекистон Республикаси кўшилган дастлабки халқаро шартномалар қаторида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳам бор эди. 1992 йили ратификация қилингандан буён маъмур халқаро ҳужжат талаблари ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий қонунчилигимиз асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Бош Қомусимизда бола дунёга келиши билан ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши белгиланган. Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Маъмурий жавобгар-

ЖАРАЁН

лик, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари ҳам мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик тизимини шакллантирди.

2008 йил 8 январдан кучга кирган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонун тарихий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, юртимиздаги ҳар бир боланинг, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ижобий қадам эди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда болаларга ҳар томонлама гамхўрлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш учун моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўта-

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенгдилар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 65-модда

рилган. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг буюк келажак ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг йигирма биринчи асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Нодир ОРТИҚОВ,
Тошкент шаҳар Миробод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси.


Вояга етмаганлар давлат ҳимоясида

Мамлакатимизда юрт келажак бўлган ёшлар тарбиясига жуда катта эътибор ва гамхўрлик кўрсатиляпти. Чунончи, болаликни ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳимоя қилиш, фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, бола соғлиги ва кадр-қимматини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Зотан, республикамиз аҳолисининг аксарият қисmini ташкил этувчи ёшлар билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал қилиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўтган йиллар давомида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган метъерий-ҳуқуқий база яратилди ва бу жараён йилдан-йилга тақомиллаштириб борилаётган. Хусусан, Президентимизнинг 2010 йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги қароридан ҳам вояга етмаганларга оид ҳуқуқий базани янада кучайтириш алоҳида ваазифа қилиб белгиланган эди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида республика



Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий асосида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»-ги ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишланиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритилган эди. Қонунчилик Палатаси бу лойиҳани маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига тақ-

дим этди ва Сенатнинг учинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқуллашиб, 2010 йил 30 сентябрдан кучга кирди.

Шу қонуннинг 5-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари, қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ижтимоий аҳоли оғир бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига яқка тартибда ёндашиш зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Вояга етмаганларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш борасида кўрилатган чора-тадбирларга қарамай, болалар ўртасида назоратсизлик, таълим муассасаларини ташлаб кетиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳоллари учрамоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши, биринчидан, вояга етмаганларни баркамол қилиб ўстиришга, улар томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Иккинчидан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига масъул органлар масъулиятини кучайтириш, болаларнинг ҳуқуқ-атвориини назорат қилиш ҳамда қонун-

АДЛИЯ ФАОЛИЯТИ

бузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар самардорлиги таъминланди.

Шу ўринда вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ақс этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида янада кенгроқ тарғиб этиш кучайтирилмоқда. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда семинарлар ташкил этиляпти.

Давлатимиз томонидан ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатларида, шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилатган изчил ислохотлар замирида ҳам бевосита эртаимиз эгаларининг мазкур қонунларга кўр-кўрона эмас, балки онгли равишда, ўз хоҳиш-истаги билан иттифоқ қилиш мақсадлари ётибди. Бу эса уларнинг онги ва тафаккурини ўстиришга хизмат қилади.

Хусниддин БОЙНАЗАРОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими.
Дилфуза ҚЎЗИЕВА,
Тошлоқ тумани ФХДБ бўлими mudiri.

МУШОҲАДА

Оммавий муҳит онажонининг ҳам четлаб ўтмабди. Ёшу қари кудаларнинг бир-бирига қайтарган сарполарини-ю, тўй қайси тўйхонада бўлиши ҳақида оғизларидан бол томиб гапирарди. Аммо бирор кимса икки ёшнинг келажак, бахтидан гап ҳам очмади. Кечагина қизини дунёларга ишонмаган ота-она бугун уни тиллоларга алишмоқда.

Майли, удумларимиз ўлмасин. Кудалар ҳам бир-бирининг ҳурмат-иззатини жойига қўйсин. Лекин ҳаммаси эпи билан-да! Обрўимиз кетмасин, деб бели синганларни кўп кўраямиз ҳаётда.

...Ниҳоят, манзилимизга ҳам етиб келдик. Таксиси амаки яна кимлар биландир телефонда гаплашаётган эди. Машина эшигини ёпаётиб, «Қизингизнинг бахтини берсин!» дедим. У телефонни кулоғидан олиб, «Раҳмат, болам», деди-ю, йўлида давом этди. Мен эса амакининг тўйдан кейинги аҳоли нима кечаркан, дея ўйлаб қолдим...

Дилҳаёт МАММАДИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

Яқинда дугонам билан «Отчопар» бозорига тушган эдик. Юқимиз оғирлик қилиб, автобус кутишга сабримиз чидамади, такси тўхтадик. Элликлар атрофидаги ҳайдовчи амаки билан йўл-йўлаккай суҳбатлашиб кетдик.

— Ҳа, кизларим, бугун бозорни кўчириб чиқибсизлар-ку! — деди ҳайдовчи.

— Йўғ-э, унчаликмас... — деди кулиб.

— Ҳойнаҳой, талаба бўлсаларинг керак. Менинг ҳам сизлар тенги қизим бор. Худо хоҳласа, яқинда... — унинг гапини телефон кўнғирого бўлиб қўйди. — Кечирасизлар, кизларим... Алло, эшитаман. Йўқ-йўқ, у фирманинг мebelини олмайдинг бўлдик. Кудалар тавсия қилгани бор-ку, ўшанисини бориб кўрамиз. Майли, қиммат бўлса ҳам, иложимиз қанча, уларнинг олдида паст кетамани энди?! Ҳа, айтганча, қайтмишда Чорсудан кўрпаларни олишни унутма...

Гап қиз узатиш ҳақида кетаятганини фахрладик.

— Сизлар томонда ҳам қиз узатиш қийинми? — деб сўради

амаки тажанг бўлиб телефони ни ўчирар экан.

Мен «Ҳа» десам, дугонам «Жудаям» деди. «Икки опамда роса қийналганмиз», дея қўшиб қўйди у. Бугун ҳар жойда урфга кирган кудаларнинг олди-бергидиси шўрлик отани чарчатган кўринади.

— Қизимни тўрт йил шартнома асосида ўқитдим. Магистрат-

Обрўингиз кетмасин... белингиз ҳам синмасин!

турага ҳам киргиси бор эди. Лекин совчилар келавериб, эшигимизни бузворай дейишди. Қариндошлар тенги чиққан бўлса беравер, қолган ўқишини ўзлари эплашар, деб қўйишмади. Суйган йигити бор экан, ўшанга унашиб қўйдик. Кудалар томон анчайин ўзига тўқ оила, ўғли ҳам яхши ишда ишлар экан. Яқинда тўй. Шаҳарнинг кўзга кўринган тўйхонаси гаплашиб қўйилган. Кудаларга тенглашман деб белим букилди-я. Иложим қанча, уч ўғилдан кейин яқ-

каю ягона қизим. Эртага бегона уйда юзи ёруғ бўлсин дейманда. Яна, ўқиган деган номи бор.

Ҳайдовчи амакининг гапларини тинглар эканман, яқинда қиз узатган қариндошимиз ёдимга тушди. Тўй келганда уйига боргандик. Кудаларга келин учун олинган нарсаларни бутун маҳалла олдида дабдаба билан кўз-кўз қилди. Ҳовли латта-путь-

тага тўлиб кетди. Шунча сарфаражатнинг нима кераги бор экан-а? Кошки, келин ўша ялтир-юлтирларни ёлчотиб қийса! Кўёвга қайтариладиган товоқларни айтмайсизми? Бошдан оёқ кийимлар, ширинлигу чачқаларга тўла патнислар. Олиб чиқилаётган сарполарни кўриб, боши айланган кетати одамнинг. Онам секингина «Қизим, кўрдингми, қиз узатиш қанчалар қийин бўлиб кетган. Мен ҳам озодан йиғини бошламасам бўлмайди, шекилли», деди.



Хайрия акцияси ўтказилди

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ўтказилган хайрия акциясида қандли диабет касаллигига чалинган болаларнинг нафақат соғлигини тиклаш, балки уларнинг ҳаётга бўлган ишончи ва қизиқишини кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

— Бугунги кунда республикамизнинг барча минтақаларидаги филиалларимиз соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда қандли диабет билан касалланган болалар учун хайрия акцияларини ўтказмоқда. Кўнгли ўқсик қалбларга озгина бўлса ҳам қўлмак бериш, беморларни қўллаб-қувватлаш асосий мақсадимиз, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бўлими бошлиғи Фирдавс Холиқов.

Хайрия акцияси доирасида Тошкент шаҳрида яшовчи 15 нафар бемор болалар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди. Уларга жамғарма томонидан қундалик зарурий маҳсулотлар ва дори-дармон воситалари тақдим этилди.

Тамара ХУММАМАТОВА
«Оила ва жамият» муҳбири.

UNFPA маърузаси

ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Куни кеча БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) Жаҳон аҳолиси тўғрисидаги йиллик маърузасининг эълон қилди. Бу йил у 2011 йил октябр ойида дунё бўйича қайд этилган сайёримиз аҳолисининг 7 миллиардга етгани тўғрисидаги мавзуга бағишланди. UNFPA Ижрочи директори Бабатунде Осотимехин ўзининг «7 миллиард аҳолига эга дунёнинг инсонлари ва имкониятлари» деб номланган маърузасида «Бугунги кунда нафақат шахсан ўзининг, балки умумжаҳон бойлиги нуқтаи назардан инсонларнинг қарорлар қабул қилиши бўйича мавжуд имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ равишда, уларни тўғри инвестициялаш ва керакли тартибда режалаштириш ишларини таъминлаш — гуллаб-ғашнаётган, экологик барқарор шаҳарлар, иқтисодий тараққиётни таъминлаб берувчи, самарадор ишлаб чиқариш қурилари, жамият раванқини оширишга ўз хиссасини қўшадиган ёшлар — бизнинг 7 миллиард аҳолиси бўлган дунёимизнинг ўзига хос томонларидан бирига айлантириш учун муқаррар шартлардан», — дея таъкидлади.

Ушбу маъруза тақдими томонидан 100 дан зиёд шаҳарларда ўтказилди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Гулчехра опанинг гуллари

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Маҳалласида бўйи етган уч-тўрт қизни кўз остига олиб юрган Башорат ая аввал пойтахтда таҳсил олаётган ўғлига секин маслаҳат солди. Ким билади, балки унинг ўзи ҳам бирортаси билан аҳдлашиб қўйган бўлса, ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик керак-да. Бахтиёр хижолат тортганча, "Сизлар нима десангизлар шу-да, онажон", деди уялинқираб. Уларга ҳам шу гап керак эди. Хуллас, Башорат опа шахардан уйига шодмон кайфиятда қайтиб келди. Ва шу кунгидеки эри билан маслаҳатлашиб, кўшни маҳаллада яшовчи, яқиндагина талаба бўлган Гулчехра ҳам ҳақида гап очди. Орадан кўп ўтмай бу хонадонга ёр-ёрлар садоси ила янги келин тушди...

— Ушанда 1991 йил эди, — деб эслайди Гулчехра Мавлонова. — Энди Тошкент давлат иқтисодий университетининг биринчи курсида таҳсил олаётгандим. Ҳар ҳафта уйга келсам, онамдан бирор аниқлик эшитардим. Бир кунги ўзларини гап бошлади: «Қизим, кўшни маҳаллалик Бахтиёр деган йигитдан совчи келди. Ота-онасини таниймиз, яхши оила, ўғли ҳам ақли-одобли экан, нима дейсан? Сени билмадиг-у, лекин бизлар розимиз». Иккилаб қолдим. Ота-онанинг райига қарши бориш яхши эмаслигини билардим-у, бироқ ўқимчи қолиб кетмасмикан, деган хавотирим бор эди. Бахтиники қарангки, тўйдан кейин қайнонамнинг меҳрибонлиги, қайнотамнинг эъли, энг муҳими, мени тушунгани жуда катта фойда берди. Ўқишни ҳам давом эттирдим, рўзгорни ҳам эпладим. Кейин катта ҳаёт синовлари бошланди.



Фарзандлар дунёга келди, банк соҳасида фаолият юрита бошладим. Бир сўз билан айтганда, орзу-ниятларим бирмабир рўйбга чиқа бошладим...

Гулчехра Мавлонова қарийб ўн саккиз йилдан бери банк тизимида хизмат қилаётган бўлса, айти пайтда «Ипотека банк»нинг Бекобод шаҳар филиалида кредит бўлими бошлиғидир.

— Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида иқтисодий ислохотлар ижобий самара бераётгани кўп бора эътироф этилмоқда. Бу эса бизнинг соҳамизга ҳам бевосита тааллуқлидир, — дейди суҳбатдошимиз. — Менинг назаримда банк ходими ҳам аввало психолог бўлиши лозим. Масалан, бизнинг бўлимга

мурожаат этаётган ҳар бир мижоз олаётган маблағини эртага қайси тармоққа қандай тарзда йўналтира олади, бу ҳақда қоғозда битилган режалар бошқа-ю, унинг кўнглидаги мақсадни ҳам биз сезиб олишимиз керак. Сабаби, биласиз, одамнинг феъли қизик, керак бўлса, бир дақиқада ўзгариши мумкин. Ҳатто жамият манфаати

дан кўра ўзининг шахсий манфаатини устун қўядиганлар ҳам учрайди ораимизда. Айнан ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга, хусусий бизнес билан шугулланишни ниёт қилган кишиларга кўрсатилётган ғамхўрлик ва яратилган имконият ҳамда имтиёزلардан ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч бир фуқаро фарзали мақсадда фойдаланмаслиги шарт.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида «Ипотекабанк»нинг мазкур худудий бўлими томонидан 15 миллиард 203 миллион миқдордаги пул маблағи 227 нафар мижозга кредит сифатида ажратилган бўлса, 78 нафар кичик бизнес субъектларига 4 миллиард 702 миллион

300 миң сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди. Асосийси, Бандлик дастури ижросини таъминлаш учун 71 та янги иш ўрни ташкил этилди. Саноат, қурилиш, чакана ва улгуржи савдо ва бошқа мақсадлар учун сарфланаётган маблағлар эл фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Яна бир эътиборли жиҳати, ушбу банкда ўсиш даражаси шу вақтгача 40 фоизга ошди. Бу ҳам банк ходимларининг мижозлар билан ҳамкорлиги самарасидир.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бу хонадонга кўчиликнинг ҳаваси келади. Айниқса, Гулчехра опа кўпроқ қайнонаси Башорат аяга суянади. Чунки эр-хотин ҳар доим ишда. Болалар ҳам катта бўлиб қолган, ўзларини бемалол эплашса-да, лекин 65 ёшни қаршилаган буви-жонларининг гапларини икки қилишмайди. Хозирги кунда банкда ишлаш билан бирга, молия институти магистратурасида таҳсил олаётган Гулчехра Мавлонова «оила ва жамият» деб аталмиш рамизий дорилфунунларда ҳаёт сабақлари бир ҳилда давом этаверишини таъкидлашни қанда қилмайди. У ҳар кунги ўз қўли билан экан гулларни парвариш қилишдан сира чарчамайди. Бу эса унинг кўнглини осмон қадар юксалтиради. «Менинг бу дунёда топган бойлигим — қадрдон оилам, жигаргўшаларим, фарзандларим, дўст-дугоналарим ва бир умр орзу қилиб еттишган севишли касбимда», дейди у мамнуният билан.

Нигора ЎРОЛОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Тошкент вилояти.

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Санъатга ошно қалблар

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданок ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон сифатида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Бу борада мусиқанинг ўрни беқиёс бўлиб, инсонларни эзгуликлар оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади. «Мусиқа» деб аталмиш бу илоҳий мўъжизада шундай бир сехр мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ, — деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари Ислам Каримов. — ...Ўзбек халқи ўзининг юксак мусиқий салоҳияти, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозongan. Юртимизда ўз мусиқачиси, ўз санъаткори бўлмаган қишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин. Ҳар бир ўзбекнинг меҳмонхонасида дутор ёки танбур каби бирор бир чолғунинг доимо осғиллик туриши ҳам халқимизнинг ана шу санъатга чексиз ҳурмати ва ихлосидан далолат беради».

«Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори келажагимиз воқисларига қаратилган яна

бир юксак эътибор ифодасидир. Мазкур қарор болалар ўртасида нафақат мусиқани тарғиб қилиш, балки чин маънода истеъдодларни кашф этиш, мусиқий таълим-тарбияни ривожлантириш борасида беқиёс имкониятларни яратишда муҳим аҳамиятга эга.

— Мусиқа машғулоти болаларнинг ўрта мактабдаги дарсларидан сўнг уларга қулай бўлган вақтда ўтказилади, — дейди Фаттоҳ Назаров номидаги 23-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Олим Муҳидинов. — Мактабда ўзбек халқ чолғу асбоблари (дутор, рубоб, доира), фортепиано, скрипка, эстрада хонандалиги, пуфлама асбоблари ва хореография (ракс) бўлимлари мавжуд. 2010 йилда мактаб ҳукуматимиз қарорига мувофиқ тўлиқ реконструкциядан чиқарилиб, янги чолғу асбоблари билан таъминланди. Мактабимизни битирган ўқувчилар ҳозирги кунда ўзбек мусиқа санъати ривожига муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Улар орасида ўзбек эстрадасининг умидли вакиллари Дилноза Мирзахўжаева, Диёрбек Маҳқамов, Асал Шодиева, халқаро танловлар ғолиби Нилуфар Муҳиддинова (скрипка) ва бошқалар бор. Шунингдек, Жасмина Абдуназарова, Искандер Базаров, Рустам Умаров, Муштарий Олимжонова, Ситора Ҳамроқулова нафақат Ўзбекистонда

ўтказилган «Санъат гунчалари», «Янги авлод» ва «Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» республика кўрик-танловларида, балки Туркияда ўтказилган жаҳон болалар фестивалида ҳам муваффақиятли қатнашиб, олтин медал ва совринли ўринларга сазовор бўлишди.

Илм масканимизда ўз касбини чин дилдан севган Д. Абборова, Р. Абдуназаров, В. Бегалова, Н. Синчилова, Н. Раҳимов, А. Ли, Н. Котлярова, З. Мирзаева, А. Азимов, М. Шокирова сингари фидойи устоз ва мураббийлар ёшларга санъат илмидан сабоқ беришмоқда.

Қадим-қадимдан сўз ва мусиқа муқаддас саналиб келган. Дунё сўз туфайли яралган бўлса, инсон жисмига жон мусиқа ёрдамида кирган, деган ривоят ҳам бор. Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамоллиги ҳақида гапириш мушкул. Токи одамзот ўзини қуршаб турган ташки оламда, у яшаётган жамиятда ва мулоқотда бўлаётган кишиларда тарихан шаклланган ва муайян даврда амал қилинаётган бадийий ижод намуналарида мужассамлашган гўзаллиқни ҳис қила олмас экан, ҳеч қачон камолот чўққисига кўтарилма олмайди.

Мусиқа ана шундай ноқиз туйғуларни шакллантириш ва тарбиялашнинг кудратли воситаларидан биридир. Бу машаққатли ва масъулиятли вазифани адо этишда мазкур илм даргоҳи жамоасига ҳамisha омадлар ёр бўлишини тилаймиз.

Наргис ҚОСИМОВА,
журналист.

Баҳмал туманидаги Октош мавзесида намунали лойиҳа асосида бунёд этилган 20 та уй-жой қишлоқ жамолини янада очиб юборди, десак муболаға бўлмайди. Пишиқ гиштдан пойдевори баланд қилиб тикланган, барча шарт-шароитларга эга, замонавий, кўркам уйларда яшаётган юртдошларимизнинг қувончини айтмайсизми?

— Оиламизга берилган тўрт хонали уйни, унинг райхону жамбилар экилган бежирим ховлисини, ораста ён-атрофини кўриб, кўзларимга ишонмадим, — дейди ўз қувончини яширолмаётган Октошлик уй бекаси Барчиной Қосимова. — Аввал темир-

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

ЗАМОНАВИЙ, КЎРКАМ УЙ-ЖОЙЛАР

қишлоқларимиз чиройига чирой, юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда

бетондан тикланган уйда турардик. Хоналари тор, қишда совуқ, ёзда иссиқ бўларди. Сувни икки чакирим наридан челақлаб таширдик. «Қишлоқ қурилиш банк»дан кредит олиб, янги уйга кўчиб ўтдик. Ҳамма шароитлари бор.

Янги лойиҳалар асосида Дўстлик тумани Янги ҳаёт мавзесида 11 та, Фаллаорол туманига қарашли Молтоп даҳасида 10 та, Мирзачўл тумани Ипак йўли мавзесида 16 та, Арнасойдаги Голибларда 30 та уй-жой қурилиши тугаллиги арафасида. Айни пайтда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Эътиборли жиҳати, қишлоқларда қад ростилаётган уй-жойлар ёнида замонавий инфратузилма иншоотлари, мактаб ва боғчалар, болалар спорт майдончалари, қишлоқ врачлик пунктлари, супермаркетлар, йўл ва йўлакчалар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростламоқда. Бу эса қишлоқларимиз инфратузилмасини янада ривожлантириш, уй-жойлар ва ижти-

мой соҳа объектларини намунали лойиҳалар асосида барпо этиш орқали қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини кескин ошириш имконини берапти.

Умуман олганда, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бўйича Жиззах вилоятида 2009 йили намунали лойиҳа асосида 60 та уй-жой қурилган бўлса, 2010 йили қишлоқ аҳолисига 325 та замонавий уй-жойнинг ка-

бетондан тикланган уйда турардик. Хоналари тор, қишда совуқ, ёзда иссиқ бўларди. Сувни икки чакирим наридан челақлаб таширдик. «Қишлоқ қурилиш банк»дан кредит олиб, янги уйга кўчиб ўтдик. Ҳамма шароитлари бор.

литлари топширилган эди. Жорий йилда бу ишлар янада кенгайиб, қишлоқ худудида 360 та пишиқ кўркам уй-жойлар барпо этилаётир. — Туманимизда намунали лойиҳа бўйича 40 та уй-жой қурилди, — дейди Дўстлик тумани меъмори Мансур Ялғошев. — Уларда қариялар, хотин-қизлар, болаларнинг хузуур-ҳаловатда, мазаза қилиб яшати учун ҳамма нарса кўзда тутилган. Лойиҳани тайёрлашда ҳатто, шамол йўналишлари, иссиқ ва совуқ ҳаво оқими, йўл ва йўлаклар, автомашина учун жой, болалар ўйнайдиган майдонча, меҳмон кутиб, кичик ва ўсмир ёшдаги болалар учун алоҳида-алоҳида хоналар, ёзги айвон, томорқа ери, гулзор, тандир-хонагача ҳисобга олинган. Бундай замонавий уйларда яшашни орзу қилаётганларнинг сони кундан-кунга ошиб борапти.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
журналист.
Жиззах вилояти.

**Гулзода Мансурова,
уй бекаси:**

— Уғлим 7-синфда, қизим эса 4-синфда ўқийди. Уларга ўқув куролларини ўзимиз олиб берамиз. Аммо бир куни ўғлим мактабдан қайтишда иккита дафтар сотиб олибди. Дафтар муковасида сочини қизил-сарикқа бўяб, ҳар хил тақинчоқлар тақиб, эг-

ажралиб туриш, атрофидагиларни қойил қолдириш истаги кучайиб боради. Натижада, бу ҳатто қанақа ўқув куролни сотиб олишида ҳам намоён бўла бошлайди. Муковасида ажнабий "юлдуз"лар, машҳур футболчиларнинг расми ёки гайрияхлоқий сурат акс этган дафтарларга қизиқади. Ҳатто шундай дафтарларни ота-

ғитмаслиги, хаёлини бўлмаслиги керак. Бу таълим самарадорлигини тушириб юбориши ҳам ҳеч гап эмас.

Ёмон томони шундаки, ана шундай алламбало расми дафтарлар ўқувчини дарсдан чалғитибгина қолмай, балки маънавий оламига ҳам салбий таъсир кўрс-

МУЛОҲАЗА

**Одина Отажоновна,
психолог:**

— Ўқувчилар орасида ажнабий, бачкана расми дафтарлар оммалашини асосан ота-оналарнинг эътиборсизлиги натижаси деб биламан. Сир эмас, бугун кўпчилик иш ва турмуш ташвишлари билан андармон бўлиб, фарзандларининг таълим-тарбиясига етарлича аҳамият беришмаяпти. Фақат қулай шароит яратсак, яхши едириб, ҳеч кимдан кам қилмай қийдириб, шунинг ўзи етарли, деб ўйлайдиганлар ҳам бор. Шу боис айрим болалар кўча тарбиясини олиб, ахлоқсиз клиллар ёки ваҳшиёна кинолар, салбий образлар мақталган мультфильмлар орқали дунёқароши шаклланади. Юзида шундай қахрамонлар қиёфаси акс эттирилган дафтарлар сотиб олиб, юрса ҳам, турса ҳам шуларга тақдир қилишади. Барча омиллар қўшилиб, болаларда невроз касаллигини ривожлантириши мумкин. Оқибатда, ҳаётга бадбинлик кайфиятида қарайдиган, дунёни фақат қора ранглар билан кўрадиган авлод пайдо бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ҳурматли ота-оналаримиз фарзандларига иложи борича муковасига мазмунли расмлар туширилган дафтарлар олиб бериши лозим (ҳозир муайян фанга мўлжалланиб, соҳанинг буюк олимлари сурати, муҳим жадвалу хариталар акс этган дафтарлар ҳам ишлаб чиқаришмоқда). Бу болага эстетик заъб бағишлаб, кайфиятини кўтаради, ҳаётга муҳаббатини оширади, қолаверса, тафаккурини юксалтиради.

Ўқитувчилар кўп такрорлаганидек, дафтарнинг юзи — ўқувчининг ҳам юзи, қалбининг аксидир! Фарзандларимизнинг кўнгил оламини бойитайлик. Бунинг учун бизда имкон етарли. Миллий рамзларимиз, қадимий шаҳарларимиз, машҳур осори атикаларимиз, она табиатимиз манзаралари, буюк аждодларимиз... ҳар қанча дафтарлар юзини бешашга лойик. Фақат биздан — ота-оналар, ўқитувчилар, ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва, албатта, ёшларимизнинг ўзидан озгина масъулият, озгина кунт, озгина маърифат, озгина миллатпарварлик талаб этилади, холос.

Гулноза БОБОЕВА


Болангизнинг кўзлари кимда?

нига йиртиқ-ямоқ кийимлар илиб олган, беўшхов қиликлар қилиб турган икки йигитчанинг расми бор эди. "Нега бунақасини сотиб олдинг?" десам, "Булар америкалик машҳур кўшиқчиларку! Ўртоқларим ҳам шунақа суратли дафтардан сотиб олишди", деди. Мен унга бундан кейин улуг алломаларимиз, юртимиз манзаралари, гуллар ёки ҳайвонлар расми, жуда бўлмаса, машиналар сурати туширилган дафтар олишини ўқирдим.

Агар барча ота-оналар шундай иш тутганида эди, фарзандларимиз бачкана, ахлоқсиз суратли дафтарларни умуман сотиб олмаган, босмаҳоналар ҳам бунақа маҳсулот ишлаб чиқаришдан воз кечган бўларди. Афсуски, беш бармоқ барабар бўлмаганидек, ўғил-қизи қандай дафтар тутиши тугул, ҳатто нечанчи синфда ўқишига қизиқмай-диган ота-оналар ҳам оз эмас. Шу боис мазкур масалани ижобий томонга ҳал этиш асосан ўқув муассасалари зиммасига тушииб қолмоқда.

**Манзура Холиқова,
ўқитувчи:**

— Ўн икки йилдан буён мактабда дарс бераман. Чиндан ҳам, сиз айтган муаммо бор, бундан кўз юмиб бўлмайди. Одатда бошланғич синф ўқувчилари табиат манзаралари, гуллар, ўйинчоқлар, машиналар сурати туширилган дафтар тутади. Аммо юқори синфларга ўтавергач, болалар руҳиятида бошқалардан




оналаридан яширинча тутадиган ўқувчилар ҳам учрайди. Биз уларни имкон қадар бу йўлдан қайтарамиз. Чунки ҳали навниҳол боланинг қайси тарафга кетиши айна ҳозирги тарбиясига боғлиқ...

Бир куни дарс вақтида охири партадаги икки ўқувчи бир нимага қараб қулишиб ўтирганини кўриб қолдим. Бориб қарасам, дафтар юзидаги беҳаёлларча кийинган аёлнинг суратига тикилиб ўтиришди. "Бу кимнинг расми, танийсизларми?" деб сўрадим. Улар ерга қараб, "Чет эллик машҳур актриса..." деб, исмини ҳам айтишди. Ваҳоланки, сал аввал кеча ўтилган мавзуну сўраганимда иккови ҳам жавоб беролмаганди. Демак, ўқув куроллари болани дарсдан чал-

тади. Ахир, болалар катталарга эргашувчан бўлади, ўзларининг наздидаги "буюк" ва "зўр"ларга ҳар томонлама тақдир қилади. Шу маънода бирор енгил-елпи хонанда, раққоса ёки актёр-актрисалар ёшларнинг идеалига айланиб бормоқда. Идеаллар орасида эса гайрияхлоқий, ҳаёсиз хат-

Ўқитувчилар кўп такрорлаганидек, дафтарнинг юзи — ўқувчининг ҳам юзи, қалбининг аксидир! Фарзандларимизнинг кўнгил оламини бойитайлик. Бунинг учун бизда имкон етарли. Миллий рамзларимиз, қадимий шаҳарларимиз, машҳур осори атикаларимиз, она табиатимиз манзаралари, буюк аждодларимиз... ҳар қанча дафтарлар юзини бешашга лойик. Фақат биздан — ота-оналар, ўқитувчилар, ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва, албатта, ёшларимизнинг ўзидан озгина масъулият, озгина кунт, озгина маърифат, озгина миллатпарварлик талаб этилади, холос.



Ирода Жиззах туманидаги Тоқчилик қишлоғида туғилиб ўсди. Болалигидан зийраклиги, меҳнатсеварлиги, ўқиш-ўрганишга иштиёқмандлиги билан тенгқурлари орасида ажралиб турган бу қиз мактабда ҳам яхши баҳоларга ўқиди. Жамоат ишларида фаол қатнашди. Отаси Маъмуржон ака, онаси Маърифат опа ундаги интилиш, иштиёқ ва қобилият қирраларини барвақт илғаб, бу ноёб фазилатларни камол топтиришга ҳаракат қилишди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. 2006 йили 12-умумтаълим мактабини аяло баҳоларга тамомлаган Ирода Жиз-

қатъият унга нисбатан ишончи оширди. Дастлабки илмий маърузалари талабалар, профессор-ўқитувчилар томонидан эътироф этилди.

Шу тариқа ўн йил ўтди. Бу даврда унинг мақсаду интилишлари янаям қатъийлашди, келгусида илмий иш билан шугулланишга, олим бўлишга қарор қилди. Институтни битириш арафасида эса ўзидаги билим, салоҳият ва қобилияти яна бир бор синовдан ўтказиш истаги туғилди. 2010 йилнинг март ойида Словакия ҳукумати томонидан 2010-2011 ўқув йилида ушбу давлат университет-

Интиланганга толе ёр

Жиззах политехника институти талабаси Ирода Абдурахимова Словакия Республикасида ўтказилган танловда ғолиб чиқиб, Каменский университетига ўқишни давом эттирадиган бўлди.

зах политехника институтига ҳужжатларини топширди ва тест синовидан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлди.

Экология ва табиатдан фойдаланиш мутахассислиги бўйича биринчи бошқич талабаси Ирода Абдурахимовада ўзи танлаган касбга бўлган қизиқиш, қатъият унга нисбатан ишончи оширди. Дастлабки илмий маърузалари талабалар, профессор-ўқитувчилар томонидан эътироф этилди.

Шу тариқа ўн йил ўтди. Бу даврда унинг мақсаду интилишлари янаям қатъийлашди, келгусида илмий иш билан шугулланишга, олим бўлишга қарор қилди. Институтни битириш арафасида эса ўзидаги билим, салоҳият ва қобилияти яна бир бор синовдан ўтказиш истаги туғилди. 2010 йилнинг март ойида Словакия ҳукумати томонидан 2010-2011 ўқув йилида ушбу давлат университет-

ларида магистратура ва аспирантура йўналишлари бўйича ажратилган грантларни қўлга киритиш юзасидан интернет орқали ўтказилган танловда иштирок этди. Буни қарангки, қизгин баҳсу мунозаралардан сўнг нуфузли комиссия хулосасига кўра, оддий қишлоқ қизи хориж гранти совриндори, деб топилди ва Братиславия шаҳрига Каменский университетида магистратура йўналишида ўқишни давом эттирадиган бўлди.

Интилиш имконга эшик очди, деганлари балки шудир. Айни пайтда Ирода Абдурахимова хорижда таҳсил олаятти. Қувонarli томони шундаки, ундаги илға бўлган интилиш, изланиш хорижликларни ҳам кол қолдирмоқда. Буни жаҳондаги нуфузли ўқув юрталаридан бири саналган Каменский университети раҳбарлари томонидан Ироданинг қишлоғига, унинг ота-онаси номига келган бир эмас, бир нечта миннатдорчилик хатлари, ташаккурномалар ҳам тасдиқлаб турибди.



ЎТАЙ — "Ўзбек тилининг этимологик луғати" — да изоҳланишича, бегоналик ва ётлик мазмунини ифодалаган "ўтай" сўзининг туб илдизи "қўшилган" деган маънони билдирган.

Ўз холам бўла туриб, тўйга келмадингиз-а? Ўғай бўлсангиз ҳам хафа бўлмас эдим.

Абдулла Қаҳҳор

ЛАЁҚАТ — тилимизда қобилият, истеъдод, бирор ишга қодирлик маъноларини англатган "лаёқат" сўзининг туб илдизи "ло-йиқлик", "муносиблик" мазмунини билдирган. Демак, "лаёқат" сўзи "ло-йиқ" сўзидан келиб чиққан.

Олимлик узиб эса бўладиган олма эмас, бунага лаёқат керак.

Иброҳим Раҳим

ЛАВҲ ВА ЛАВҲА — "Лавҳа" сўзи бирор воқеа-ҳодиса ёхуд руҳий кечинма ҳақидаги кичик асар ёки асардан парча, қўриниш, манзара маъноларини англатиб келади. Аслида, қадимги даврларда тахта ёхуд устига бирор нарсасизилган тахтача, махсус сиқилланган тош ҳам "лавҳа" деб аталган. Лавҳа сўзининг туб маъноси китобни қўйиб ўқиш учун ясалган мослама — "лавҳ" сўзи билан бир хил.

Эшқобил ШУКУР тийёрлади.

Яқинда Ирода Словакиядан қадрдон гўшасига, ота-онасига кўнғироқ қилиб, ўзининг ўқишлари, яшаш шароити, бу юрда орттирган дўсту дугоналари ҳақида қувониб сўзлаб берибди. Фарзандининг узоқлардан келаётган кўнғироқдай овозини жон қулғи билан тинлаган Маърифат опанинг қалби қувончдан, фахру гурурдан тўлқинланди. Маъмуржон ака эса дилбандининг соғу-саломат эканлигини билиб, енгил тин олди. Камтарлик билан "Нимасини айтасиз, мендай оддий бир ҳайдовчининг қизи чет элда ўқиётганининг ўзи ҳам катта бахт. Бу айтишга осон. Лекин Ватанимиз мустақилликка эришмаганида қаерга борарди? Бир замоналар қишлоғимиздан нарига чиқолмасдик. Энди қаранг, ота-онаси кўрмаган замоналарни болалари кўраётти. Фарзандларимиз, невараларимиз ўқиётган мактабларни кўриб, одамнинг ҳаваси келади. Шундай ажойиб мактабларда ўқиётган ўғил-қизларимизга тан бермай кўринг-чи? Ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод вакиллари шулар-да, энди", дейди Ироданинг отаси Маъмуржон ака ифтихор билан.

Донугул ЖўРАЕВА
«Оила ва жамият» муҳбири.
Жиззах вилояти.

Бешикларинг кўп бўлсин, дунё!

Бешик ҳақидаги илк маълумотлар Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридида келтириб ўтилган. Бундан кўринадимики, бу гаройиб буюм минг йиллар илгари ҳам авлод-аждодларимиз томонидан эъзозланган, ҳозир ҳам ўз қадр-қимматини заррача йўқотгани йўқ. Хўш, бунинг асл сабаби нимада?

Тўғри, ҳозирги кунга келиб, миллий бешикларимиз ўрнига хорижий мамлакатлардан кириб келаётган технология жиҳатдан хунарманд усталаримиз ясаган бешиклардан анча устун бўлган беланчалар юртимиз бозорларини эгаллаш бошлади. Масалан, чақалоқ овозига мос равишда тебранувчи, бола баланд овозда тинимсиз йиғласа ёки тагини ҳўл қилиб қўйса, ота-онасига радио узатгич орқали хабар берувчи, онанинг бир марта айтган алласини хотирасига ёзиб олиб, юмушлари кўпайган пайтда ҳам онаси овозида алла айтувчи ажабтовур бешиклардан фойдаланаётган юртдошларимиз ҳам кўпаймоқда. Лекин бу каби замонавий ускуналарнинг бизлар фойдаланаётган миллий бешиклардан афзал жиҳатлари борми?

Нигора ИЛЁСОВА, Тошкент шаҳри:

— Шахсан менинг ўзим бешикчилар сулоласининг бешинчи авлодман. Бешик яшаш ниҳоятда машаққатталаб иш, унинг ҳам ўзига хос сир-асрорлари бор, албатта. Ҳақиқий устаннинг қўлида тайёр-

ланган бешик бир эмас, бир неча авлодларга хизмат қилади. Аксарият ҳолларда тут дарахтидан ясалган бешик ўта чидамлилиги билан ажралиб туради. Масалан, беланган боланинг кўзлари ранглари яхши фарқлай олиши учун ёғочларга турли хил бўёқ берилади. Унга мослаб ясалган ҳар бир нозик буюмчанинг ўз вазифаси бор.

Баъзан хорижлик меҳмонлар биз ясаган бешикларни синчковлик билан томоша қилиб, ҳар бир нарса ҳақида батафсил қизиқиб сўрашади. Уларнинг аксарияти енгил ясалган "евробеланчак"лардан кўра қўлигул усталаримиз ясаган бешикларнинг афзал жиҳатлари кўплигини эътироф этишади. Ҳатто бешик устига ёпиладиган ёпинчиқлар ҳам пахта толали, сурп матоларидан тикилган бўлса, хавони яхши ўрқадан



билан бирга, ичкаридаги мўътадилликни ҳам таъминлайди.


Нигора опа билан суҳбатлашаётганимизда корейлик меҳмон келиб қолди ва таржимон билан бирга бешикларни бирма-бир кўриб чиқди. Кейин секин ўзлари танлаганларидан иккитасини савдолашишга тушди. Опа эса бир меҳмонга,

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

бир таржимонга қараб, "Илтимо, сингилжон, бу кишига тушунтириң, бизда бешик нарханлайди, денг. Шунанга одат бор ўзбекларда, бу чақалоқ ҳам бебаҳо эканига ишора", деди жиддий оҳангда. Мутаржим қиз бўлса ҳалиги корейск йигитга Нигора опанинг айтган фикрини узоқ шарҳлагач, у икки қўлини кўксига қўйганча, таъзим бажо келтираркан, чўнтагидан пул чиқарди. Бу ҳолатни кузатиб турарканмиз, ниҳоят таржимондан нега унинг битта эмас, иккита бешик сотиб олганига қизиқдик. Меҳмоннинг айтишича, энг яқин дўстларидан бири ўзбек бешикларининг ҳосияти улуғлиги ҳамда чақалоқнинг сихат-саломатлиги учун ниҳоятда фойдалилигини таърифлаб, агар Ўзбекистонга борса, албатта, олиб келишини қаттиқ тайинлаган экан...

Биз икки соатча бешикчи усталар расасини кузатиб турдик. Жуда ажойиб манзара. Кўпроқ кекса отахон ва онахонлар келишганини кўриб, Нигора оладан бу ҳақда сўраганимизда, у киши "Нега десангиз, кексалар синчков ва қайси бешикнинг сифатли ясалганини яхши билишади. Ёшлар эса шошилиб савдо қилади, кўпинча ҳали сиз айтган "евробеланчак"ларга қизиқишади", дея изох берди...

Сардор ҲАМРОЕВ, "Оила ва жамият" муҳбири.



Ҳурматли бош директорини Сотволди Мирноусович!

Қўтлуг 64 ёшингиз муносабати билан самимий табригимиз ва тилакларимизни қабул айланг. Ҳамиша яқинларингиз, оилангиз ва шоғирдларингиз бахтига соғ-саломат бўлишини Аллоҳ насиб этсин. Ниятларингиз ушалаверсин, умрингиз узун бўлсин, оилангиз билан файзли кечсин.

«PERFECT AVTOSERVICE» МЧЖ жамоаси номидан Мақсуд Отажонов, Тошкент шаҳри

Азиз фарзандимиз Гулрух!

Сени таваллуд толган кунинг билан самимий муборакбод этамиз. Оиланг, фарзандларинг бахтига соғ-саломат бўлишингга тилақдошимиз.

Отанг Саъдулло, онанг Гулчехра, Нурота тумани

Азиз ва меҳрибон бобоҷонимиз Сотволди Мирзаев!

Сизни 15 ноябрь туғилган кунингиз билан қўтлаймиз. Буви-жонимиз билан узоқ умр кўриб, соғ-омон юришингизни Аллоҳдан тилаймиз.

Набираларингиз номидан Мунисабону, Юнусобод тумани

Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама

«ЎҚТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қўлидаги ўқув курсларига тақлиф этади.

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шўми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 оий ўқиш, 2 оий амалиёт.
Ҳамшира (текор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каштачилик — 3 ой (машиқада вышивка).

Тикувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой.
Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоклари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-мавзое 1-уйи 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томони ораксиди.
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Қўнлик, 4-уйи 40-хона. Мўлжал Қўнлик киним бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

Хайрия фаолиятига қиради

"Ижтимоий реклама" деган тушунча ҳақида маълумот берсангиз. Бундай турдаги рекламаларнинг бепуллиги ростми? Ж.Самандаров, Кўкон шаҳри.

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган реклама тарқатувчи ОАВларнинг сони 970 тани ташкил этади. Уларда бериладиган рекламаларнинг сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунда "ижтимоий рекламали ахборот" тушунчаси келтирилади ва унга қуйидагича таъриф берилади: "Ижтимоий рекламали ахборот соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ресурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий Ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат масалаларига доир ахборот, шунингдек, нотижорат йўсиндаги бошқа ахборотдир". Ижтимоий рекламанинг мустақиллик йилларида давлатимизда амалга оши-

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

рилаётган ислоҳотларни, халқимизнинг бебаҳо кадриятларини, анъаналарининг моҳиятини аҳолига етказишдаги аҳамиятини инобатга олиб, қонунга киритилган ўзгаришларга асосан шахсларнинг ижтимоий рекламали ахборотни текинга тайёрлаш ва тарқатишга доир фаолияти, ўз мол-мулкни (шу жумладан, пул маблағларини) ижтимоий рекламали ахборот тайёрлаш ва тарқатиш учун бошқа шахсларга бериши хайрия фаолияти деб эътироф этилади. Бундай шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмида ижтимоий рекламали ахборотни жойлаштириши шарт. Бунда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилдиган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштиради.

Саволга Муборак туман давлат нотариал идораси нотариуси Комилжон РУСТАМОВ жавоб берди.

25 ёшдан кам бўлмаслиги шарт!

Неча ёшдан бошлаб нотариус бўлиб ишлаш мумкин? Умуман, бу касбда ишлаётганлар учун қўйилаётган талаблар қандай?

Б. ИСТАМОВ, Чўст шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат институти янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги фармони ижроси талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши ҳуқуқий ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Жумладан, нотариусларга қўйилдиган малака талаблари кучайтирилиб, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар нотариус бўлиши, амалиётни ўташ мuddати эса камида икки йил қилиб белгиланиши қайд



этилган. Шунингдек, лицензиялаш тизимидан воз кечилиб, нотариуслар масъулиятини ошириш жорий этилди. Қолаверса, кадрлар таркибини ҳалол ва малакали мутахассислар билан тўлдириш мақсадида нотариус лавозимига тайинлаш бўйича қонунда айрим чеклашлар ҳам ўрнатилди. Унга кўра, бундан бўён белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, деб топилган, қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати

туғалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган, касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун нотариус, адвокат, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ваколати тугатилган шахслар нотариус бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, нотариат ходимларининг билим савиясини доимий равишда ошириб бориш мақсадида нотариуслар белгиланган тартибда беш йилда бир марта ўз касбий малакасини ошириши шарт қилиб белгиланди.

Шунингдек, "Нотариат тўғрисида"ги қонунга нотариус ёрдамчиси" янги модда сифатида киритилди. Бундан ташқари ушбу қонунга "Нотариус стажёри" деб номланган модда ҳам қўшилди, унга кўра олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон фуқароси нотариус стажёри бўлиши мумкин. У нотариал идорада камида икки йил мuddатли стажировкани ўтади.

Саволга Поп тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Людмила СОДИКОВА жавоб берди.

Бепул маслаҳатлар

Суяқ овқатларни шакллантириб қайнатилса, хира тортади. Мил-тиллаштириб қайнатиш лозим.

Қаттиқ гўштни сиркалаб пиширсангиз юмшоқ пишади.

Худо раҳмат қилгур энам доим бир сўзни такрорларди: «Таъна қилманглар, тавба қилинглар! Бировнинг холига қулиш, беҳудага илмоқли таъналар қилиш қандай оқибатларга олиб келишини кўшим мисолида кўриб турибман...»

Раҳимахон ўттиз ёшида тул қолиб, онасиникига кўчиб боришга мажбур бўлди. Негаки, шаҳарда бировнинг уйида ижарада яшарди. Эри автоҳалокатга учраганида қизи чақалоқ эди. Ана шу қизча мактабга чиққан кезлари Раҳимахон йиғиб-терган пулига икки хонали уй сотиб олиб, жўжабирдай жон бўлган она остонасидан кўчиб чиқди. Шу вақтгача унга оғиз солганлар ҳам топилиди, аммо икки норасидасини ўйлаган боқяшқ аёл турмуш қурмади. Қизи мактабга чиққанига хурсанд юрган кунларининг бирида хотини оғир касалдан ўлган бир муаллимдан тинимсиз совчи кела бошлади. Қариндош-уруғларининг қистови билан Раҳимахон иккилана-иккилана розилик берди.

Бир йилдан сўнг Раҳимахон қиз кўрди, аммо қизалоқ эр-хотин ўртасидаги мустаҳкам ришта бўлолмади, аксинча, уч қизи бўлган Жамол Раҳимахонни ташлаб кетди. Шунда кўшчилар Дилшода билан Гулчехра таъна тошларини отишди:

— Ҳой, кўшни, қизингизни тийиб олинг, қизим билан уришибди, — кўчадан туриб бақирди Гулчехра Раҳимахоннинг деразасига қараб.

— Бола-да, уришиб қўяман, кўшнжон, — хижолатомуз жавоб берди Раҳимахон.

— Ҳой, Умида, қани бери кел-чи! Гулчехра кап-катта аёллигини ҳам унутиб, қизалоқни олдиға солиб қувлай кетди. Етолмагач, ердан каттагина тош олиб, кетидан отди. Бахтга қарши, тош

Умиданинг қоқ бошига келиб тегди. Қизча додлаб юборди. Раҳимахон кўлидаги чақалогини кўрпага думалатиб, жон аччиғида кўчага югурди. Умиданинг пешонасидан тиркираётган қонни кўриб, апил-тапил рўмолини ечиб босди.

— Гулчехра, бу нимаси?! Аламингиз босилдимми шу билан?! — йиғламоқдан

кетармиди?

Раҳимахон қаршисидаги аёлга тикилди, кейин паст овозда:

— Таъна эмас, тавба қилинг, — деди-да, йиғлаб уйига кириб кетди.

Раҳимахон кечки овқатга қизини чакрмоқчи бўлиб деразадан бош чиқараркан, рўпарадаги ўриндикда уч қарра тур-

Таъна эмас, тавба қилинг

бери бўлди Раҳимахон. — Ҳим жазосини бардим-ку?

Гулчехра пинагини ҳам бузмай тўнгиллади:

— Қочмасин эди...

— Бола болалигига боради-да! Сиз эсли бўла туриб шундоқ қилсангиз, булардан ўпкаламай кўя қолайлик.

— Қизингизни оқламай кўя қолинг!

— Майли, ҳар кимга Худонинг ўзи инсоф берсин, — синиқ гапирди Раҳимахон.

— Худого солмай кўя қолинг, ўзингизни Худо уриб қўйибди-ку!

Гулчехранинг кўзлари чақчайди.

— Яхши бўлсангиз, эрингиз ташлаб



мушидан ажраган Гулчехра билан Дилшода гийбатлашиб ўтирарди. Раҳимахон ўзини ичкарига олди, юраги аламдан ёнди, кўзларига қуйилиб ёш келди. Тин-

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

чгина ўтаётган кунларига оғу солган Жамолдан нафратланиб кетди, ич-ичидан оғринди... Уй юмушларини битириб бўлгач, йиғлаб туриб дуо қилди: "Карам кенг Аллоҳим, боламни отасидан жудо қилма, таъна-маломатлардан ўзинг кутқар..." Кечки овқат маҳалида ҳам бири-бирдан ширин қизалоқларига қараб хўрлиги келди. Булар энди кимга суянади? Уларни оёққа турғазига, бетайин одамлар таънасини кўтаришга кучим етармикан? Яхшиямки, тўртинчи қаватдаги Карима хола гийбатчиларнинг оғзига уриб туради, Раҳимахонни ҳимоя қилади, унга доим далда беради. Холанинг борлиги қанот бағишлайди. "От айланиб қозигини топади, айланай, эрингиз қаёққа ҳам борарди, шумшайиб кириб келади, қозисиз..." Кечалари Раҳимахоннинг болиши хўл бўлиб кетарди.

Орадан ой ўтмай, Дилшоданинг эри Рустам бошқа аёлга илакишиб қолди, орада жанжал кўтарилди. Кўшчилар чекка-чеккада айбни аёллини ўзига ағдарар, захаролуд тили бошига етганини айтишарди. Гулчехра ҳам бежавоб қолмади, иккинчи эри келиб бор-будини ўмариб кетди. Нарсаларни ўзинг бериб юборгансан, деб хозирги эри уни уйдан қувиб солди.

Раҳимахоннинг эса адашган эри остонасига бош эгиб келди, кўз ёши қилди. Аёл эшитган таъналари туртки бўлиб, уни ноилож уйига киритди. Шундан бунён баҳамжиҳат ҳаёт кечиряшяпти. Беҳуда таъна қилиб, бир муштипир дилига озор берганларнинг холи вой бўлгани ҳаммани лол қолдиргани ўшанда.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи

ЎЗБЕКЧИЛИК

Биз негандир «ўзбекчилик» деганда халқимизга хос салбий хислатларни назарда тутамиз. Аммо элимизнинг шундай фазилатлари борки, бу ўзига хос феъл-атворини ҳам «ўзбекчилик» деб атасак тўғрироқ бўларди. Манави воқеага қулоқ тутинг-а!

...Ҳали қишнинг заҳри кетмаган, баҳор ойи бўлса-да, изиллаган совуқ кунлар эди. Хизмат сафари билан Жиззах шаҳрининг энг чекка маҳаллаларидан бири Сайхонга кетаётгандим. Кўкбозор-Сайхон йўналишида қатнайдиغان миниавтобусга ўтириб йўлга тушдим. Уловимиз шаҳарни ортда қолдириб, қир-адирлар оша елиб борарди. Сайхон маҳалласи бошида бир гала болакайлар "Тўхтаг!" ишораси билан қўл кўтаришди. Шаҳарда бундай ҳолда болалар йўлқира пуллари кўрсатиб, машина йўлини тўсгудай бўлиб, жон-жаҳди билан қўл силқийди. Шунда ҳам кўпгина ноинсоф ҳайдовчилар тўхтамай ўтиб кетади. Аммо бизнинг ҳайдовчи болалар ёнига етганда секин машинасини тўхтади. Мактаб сумкасини кўтариб олган ўқувчилар эшикка ёпирилишди.

— Аста! Секин-секин чиқинглар! Кечаги вазифини бажарганлар чиқсин! Баҳармаганлар пиеда кетаверсин!

— Мен баҳардим, янги шеър ёдладим!

— Устоз, мен ҳам ёдлаганман, мен ҳам чиқай!

Ҳа, бу ҳайдовчи илгари ўқувчи бўлган, шекилли! Болаларни яхши кўраркан, нима қиларди мактабдан кетиб?! Шундай хаёл қилиб, ҳайдовчи ва болакайлар гурунгини завқ билан кузатдик.

— Қани, биринчи бўлиб сен менга ёдлаган шеърингни айтиб бер-чи!

Чамаси ё чинчи, ё тўртинчи

синф ўқувчиси бўлган бола қаддини фоз тутмоққа уриниб шеър айта

кетди:

Мен нечун севаман
Ўзбекистонни,
Тупроғини кўзимга
айлаб тўтиё...

Сўнг қимтинибгина турган қизалоққа навбат берилди:

Биз аслида киммиз?



Яша, ватан, жон Ватан...

— Бу шеърни кеча айтган эдинг! Янги ёд олганингни ай! Қизалоқ ерга қаради. Ҳайдовчи тушунди, бироқ қойимасди. Фақат илтимос оҳангига деди:

— Эртага дарслигинга кирмаган шеърлардан ёдлаб кел! Ватан ҳақидами, она ҳақидами, ёд олавер!

Қизчанинг кўзлари порлади:

— Хўп бўлади, албатта, янгисидан ёдлаб келаман!

Ҳайдовчи мактабга етгунича ўқувчилардан шеър эшитиб кетди. Уларни манзилига туширар экан, тайинлади:

— Бугун эшитганларим бари эсимда қолади. Эртага бошқа

шеър ёд олинглар! Ёдламаганим мени кутма ҳам, пиеда кетавер!

— Катта синфларнинг китобдан ёдласак бўладими?

— Газетадан ёдласак-чи?

— Бўлаверади! Тополмасаларинг, уйдагиларга айтинглар, шеър китобча сотиб олиб беришин. Ҳаммаларингга етади!

Болалар хурсанд бўлиб мактаблари олдиға тушиб қолишди.

— Мана, энди ўзим ҳам шу чуғурчуқларга ўрганиб қолибман!

— Демак, йўл кирасига биттадан шеър экан-да!

— Шундай деса ҳам бўлади.

Карра жадвалини ҳам сўраб турарман. Болалардан пул олиш уят! Ахир, ўзимизнинг фарзандларимиз-ку? Уқисин, ўргансин, катта одам бўлсин! Ҳозирги шарт-шароит бизнинг давримиз-

да бўлганидами... Оилада кўпчилик эдик. Отам биримизга етказса, бошқамизга етказолмасди. Ўқишга имконият бўлмади. Бугунги болаларга қараб ҳавасим келади. Етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган мактаб, коллежлар, турли тўғараклар! Компьютерни пухта билишади. Шулар ўқиса, илм олса, ўзбек деган номни янаям дунёга танитса, биз хурсандимиз-да, синглим!

Ана сизга, ўзбекининг феъли! Ана сизга, миллатнинг маънавияти! Аслида, мана шу тоза қалб, тиниқ кўнгилларда ниш урган туйғу — асл ватанпарварлик, ҳақиқий болажонлик эмасми?! Миллат маънавияти шундан бошланмайдимиз?! Халқнинг барча фарзандига ўзимнинг болам деб қараш, уларнинг эртаси — келажакни ўйлаб қайғуриш учун қандай катта қалб керак инсонга!

Биз ҳатто исмини ҳам сўрамаган мана шу ҳайдовчиға ўшаган юртдошларимизнинг кўпайиши порлоқ келажакимиз, нурули эртამиз кафолатидир. Ҳаргал уларни кўрганимизда, "Мана, биз аслида киммиз!" деган ажиб бир фахр ҳисси кўнглимиздан кечади.

Сайёра БҮРОНОВА,
журналист,
Жиззах вилояти

ИБРАТ

...Кечаси соат ўн бирларда қўшни шийлонинг қоровули келиб, бир қути гугуртни қарға сўраб олиб кетди. Тунги соат учларда эса ўша хўжаликнинг ерини ҳайдаётган тракторчи Абдуллоҳ қаттиқ чарчаган ҳолда, оёқларини зўрга босиб кириб келди.

— Кечирасиз энди, ака, бевозта қилмасликнинг илоҳи бўлмай қолди. Қоровулимизга "Бугун овқатингиз кечкиб кетибдимиз?" десам, "Наринги шийлондан гугурт топиб келдим", дейди. "Иккаламиз ҳам қарз бўлиб қоламиз, ортганини қай-

Бир қути гугурт



тариб бериб, розилик сўраб келиш керак", дегандим, "Қалланг борми, гугурт ҳам қарз бўладими?" деб аччиғи чиқди. Ҳим олиб келдим-да...

— Қуни бўйи ишлаб чарчаган бўлсанг, борди-келдиси тўрт километрдан ошадиган ерга пиеда, яна тонгортада келишинг шунчаям зариллиди?! Эрталаб бирортасидан бириб юборсанг ҳам бўлаверарди-ку!

— Эҳ, ака, қарз ёмон нарса. Уйку билан ўлим тенг, дейдилар. Ухлагандан кейин яна тўрт қўз тугал бўлиб уйғонишимиз учун эса кафолат йўқ!

Турсунали ЮСУПОВ,
Фаргона вилояти.

Яшил шифо сири

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

АЖАБ ОЛАМ

Айрим тарихий манбаларда "яшил шифо" деб таъриф берилган сабзи милоддан аввалги иккинчи минг йилликдан бери экиб келинаётгани ёзилган. Унинг илдизмевасида 10—12% қанд, 9,2% углеводлар, 1,1% азотли моддалар ва С, В, В2, РР витаминлари, 9,0 20—25% каротин борлиги аниқланган.



Ёввойи сабзи уругининг истеъмоли ҳамма жиҳатдан уй сабзисидан кўра афзалроқдир. Эски йўталга даво бўлади. Бод ва гализ моддаларни таркатади, бадан тўқималарини очади, сийдикни ҳайдайди. Бўш бўғимларни кувватли қиладди. Уруги янчиб боғланса, юмшоқ шишларга даво бўлади.

Сабзи мураббосини асал билан қўшиб истеъмоли қилинса, эркаклик кувватини оширади. Ошқозон, жигар, ичак ва талоқни мустаҳкамлайди. Бир кунда мураббосидан даво учун 50 граммдан 100 граммгача истеъмоли қилиш мумкин.

Мураббо учун пўсти юпка, серсус, ўртача катталиқдаги янги пишган сабзи-

лар танлаб олиниб, пўсти арчилади ва йўғонлиги 1,5 см қилиб тўғралади. Сўнг 5—8 дақиқа давомида қайнатиб олинади. Сабзи бироз юмшагач, қиёмга солиб, икки марта қайнатилди. Пишиш олдида лимон кислотаси қўшиш мумкин.

1 кг сабзи учун 1,5 кг шакар ва 3—3,5 стакан сув керак бўлади.

Шарбати ҳам шакар билан қўшиб ейилса, таъсири деярли мураббо даражасида бўлса-да, аммо ундан энгилроқ ва кувватлироқдир. Таркибида инсон организми учун зарур бўлган калорий, фосфор ва темир тузлари бор. Кальорияси ва танага сингиши жиҳатидан бошқа сабабот шарбатларидан устун туради. Болалар, хромилдор аёллар ва ёш оналар учун жуда фойдалидир.

Косметикада сабзидан никоб тайёрлаш мумкин. Бунинг учун бир дона тухум сариги, 1 чой қошиқ асал ва 1 чой қошиқ сабзи шарбати аралаштирилади. Тайёр бўлган бўтқа юзга суртилиб, 15—20 дақиқа туради. Сўнг тенг ярим миқдорда сут ва қайнатилган сув аралашмаси ёрдамида никоб ювиб ташланади. Аралашмага 10—15 томчи лимон шарбати ҳам қўшиш мумкин. Бундай никоб асосан куруқ юз териси учун ишлатилади.

Бобур КЕНЖАБОВ
тайёрлади.

Қичқирсангиз ёмғир ёғади...

Хитойнинг шимоли-ғарбидаги Юньнань қишлоғи худудида галати ҳодисага гувоҳ бўлишингиз мумкин. Бу ерда ёмғир сизнинг "буюртма" нгиз асосида ёғади. Яъни, осмонга қараб етарлича баянд овозда қичқирсангиз, кифоя: шаррос ёмғир қуйиб беради. Дарҳақиқат, қанчалик баянд овозда қичқирсангиз, ёмғир тезлиги ҳам шунча кучли бўлади. Маълум бўлишича, бу ердаги кўллар ҳаво қатламини кучли намлик билан тўйинтириб туради. Салгина тебранган ҳавода эса намлик зичлашиб, сув томчиларини ҳосил қиладди.



Худди шунга ўхшаш ҳодиса Буюк Британия қироллигига қарашли Уэльс ярим оролининг шимоли-ғарбида ҳам кузатилади. Яъни, Сноудон тоғи чўққисиди Дулин деган кичик бир кўл жойлашган. Унинг сувига қирроқ томондан худди зиналарни эслатувчи бир қанча тошлар ботиб туради. Агар ана шу тошлар устига чиқиб, уларни оёқларингиз билан тепиб, тапилласангиз, ёмғир ёға бошлайди.

Ёмғир байрами

Американинг Огайо штатидаги Уайсберг шаҳрида 1870 йилдан бери ҳар йили 29 июль кунини ёмғир ёғади. Шаҳар аҳолиси бу кунни ўзига хос табиат байрами сифатида нишонлайди. Эрталабдан марказий хиёбонга тўпланиб, кўлларидаги соябонлари билан ёмғир ёғишини кутадилар. Ёмғир ёғишни бошлаши биланқоқ барча тўпланганлар завқланишиб, қўшиқлар куйлашиб, тантанали тарзда соябонларини ёйишади. Шундан сўнг секин-аста уй-уйларига тарқалишади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

Ҳақиқий эмас деб топилса...

Никоҳни ҳақиқий эмаслиги билан никоҳдан ажратиш ўртасида қандай фарқ бор?

О. Номозова,
Нишон тумани

— Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, никоҳни ҳақиқий эмас деб топилгани ҳуқуқий оқибатлари никоҳдан ажратишнинг ҳуқуқий оқибатларидан жиҳдий фарқ қиладди. Аввало никоҳ қўйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин: сохта никоҳ тузилганда, яъни эр ва хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай, никоҳни қайд эттирганда; никоҳланувчи шахслардан бири ўзида ОИТС/ОИВ борлигини бошқасидан яширганда ва агар иккинчиси судга шу талаб билан мурожаат этса.

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-

хотин учун Оила кодексида белгиланган шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкий-ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси билан тартибга солинади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда жавобгар тараф алданган тарафга ҳамма нарсасини қайтариб беришга, олинган нарсасини асл ҳолида қайтаришини иложи бўлмаганда эса, қийматини пул билан тўлашга, шунингдек, унинг қилган барча харажатларини тўлашга мажбурдир.

Никоҳдан ажратишда эса жавобгар тараф бундай ҳуқуққа эга бўлмайди. Чунки судда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш қўриб чиқилаётганида тўйни ўтказишга кетган барча сарф-харажатларини ундириш

ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда никоҳ тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Никоҳ суд тартибидида ажратилганда, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб никоҳ тугатилган ҳисобланади.

Бундан ташқари, никоҳдан ажратиш ишларини қўришда суд эр-хотинни яраштиришга ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини қўриш мақсадида ярашиш учун олти ойгача муҳлат бериши мумкин. Суд томонидан никоҳни ҳақиқий эмас деб топилганда муҳлат тайинланмайди.

Саволга Нишон туман
ФХДЁ бўлими мудири
Дилфуза ШАМСИЕВА
жавоб берди.



"Қодир синфдошим эди. Саккизинчи синфда ўқиётганимизда улар Тошкент вилоятига кўчиб кетишди. Такдирим, тасо-дифми бу, мактабни тугатиб, институтга ҳужжат топширмоқчи бўлиб шаҳарга борганимда уни кўриб қолдим. Қодирнинг акаси холамга қўшни турар экан. Ўша, мен билган йигит яхши томонга ўзгарибди. Уни синф раҳбаримиз охириги партага ўтказиб қўярди. Дарсни ҳам ўлда-жўлда бажарар, доим паст баҳо оларди. Шаҳодатномасиди баҳоларини кўриб, ҳайратим ошди. "Бу ўзгаришларимга синф раҳбаримиз Гулзор опа сабабчи, мени аълочилар сафига қўшгунча озмунча меҳнат қилдим", деди. Икковимиз ҳам битта институтга ҳужжат топширдик. Менинг омадим чопмади. Қодир талаба бўлди.

Уйимизга қайтиб кетдим ва тикув чеҳида ишлаб бошладим. Қодир мени кўриш учун ишхонамга бориб турарди. Ўртамизда муҳаббат пайдо бўлди. Отаналаримизга ҳам маъқул келиб, тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Бахтли яшай бошладик. Қодир институтни тугатиб, нуфузли ташиқлотда хизмат қилар эди. Кўп ўтмай қизимиз туғилди.

Уша кунини... уни қизим қўлимда, доимгидай ишга кузатиб қолдим. Пешинда шум хабар келди. Қодир ўртоғи билан чўми-

лаётиб, анҳорга чўкиб кетибди. Касалхонага етиб борганимизда жонни узилган экан. Норасида гўдагимни бағримга босиб, қон қақшаб қолдим. Йили ўтгач, кўч-кўроним билан отамникига қайтиб келдим. Кўзимнинг оқу қораси қизим ўғайлик азобини кўрмасин деб қайта турмуш қурмадим. Мана, ҳозир у оилали, фарзандли ҳам бўлди. Қайнона-қайнотаси билан бирга яшайди. Мен эса ёлғизланиб қолдим. Ўйлаб-ўйлаб, умид билан сеvimли "Оила ва жамият" газетасига мурожаат қилаяпман. **Ёшим 53 да.** Маълумотим ўрта. Ёлғиз қизим ўзидан тинган. 60 ёшгача бўлган, иймонли, фарзандлари ташвишидан қутилган, уй-жойли, қадримга етадиган инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

ХУРМАТОЙ,
Тошкент вилояти"

"Юлдуз қизим одобли, юмшоқ табиятли, бир оилани гуллалади. Опасини деб бахти боғланди. Каттаси Назокатни эса дугонасининг акаси тўхмат қилиб, ташлаб кетди. Ноилоҳ

қолгач, уч болали, хотини қаза қилган эркакка турмушга чиқди. Юлдузини ҳам кўп совчилар сўраб келарди-ю, кейин негандир жим бўлиб кетишарди. Бундан уч йил аввал қўшни маҳаллалик бир йигитга унаштирмоқчи бўлдик. Қутилмаганда бўлгуси куёв боланинг отаси қаза қилиб қолди. Бизни кўролмайдиган ганимлар "Буниси ҳам опасига ўхшаб беҳосият, шекилли-да, у ёқда тўй ўрнига аза чиқди", деб ёмонлабди ва шундан кейин фотиҳа тўйи бўлмади. Гулдай қизимнинг тақдирини ўйлаб, эзилмаман.

Яқинда бир кўшим "Оила ва жамият" газетасини олиб келиб, "Бахтли бўлинг" деган сатхифасини ўқиб берди ва кўнглимни кўтариб, "Хат ёзинг, зора бахти очилиб кетса, савоб бўларди", деб йўл-йўриқ кўрсатди.

Юлдузнинг ёши 30 да. Маълумоти ўрта махсус. 38 ёшгача бўлган, зарарли одатлардан холи, уйи-жойли, диёнатли инсон учраса, узатардим. Илтимос, ёрдан бeringлар!

МАНЗУРА хола
Бухоро вилояти"

"Гулсара билан севишиб турмуш қўргандик. Жуда меҳрибон, оқунгил аёл эди. Ота-онам ҳам уни еру кўкка ишонмасди. Дунёда ҳеч бир одам тирноққа зор, кўнгли кемтик бўлмасин экан. У мени деб бефарзанд ўтишга тайёр эди. Дастлаб тиббий текширув натижасини эшитиб, мендан кўра Гулсара кўпроқ қайғурди. Бола асраб олиш учун мени кўндирмоқчи бўлди. Аммо унинг фарзандли бўлиш имкони борлигини била туриб, ўзимдай бахтсиз яшашини истамадим. Гулсара билан ажрашиб осон бўлмади. Ота-онаси мени тўғри тушунадди ва сохта тўхмат уюштириб менга ёрдан берди. Қонуний ажрашдик. Гулсара қайта турмушга чиқиб, кетма-кет икки ўғилли бўлди.

Ўртоғимнинг маслаҳати билан тахририятга келдим. Менга уч фарзандли, эри автохалокатга учраб қаза қилган Насиба исми навоийлик аёлнинг телефон рақамини беришди. Учрашдик. Болаларига меҳрим тушиб қолди. Турмуш қурдик. Кичиги — икки ярим ёшми қизчамиз "дада" деганида ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Насиба уйим-жойим дейдиган, феълӣ кенг, кўнгли очик аёл экан. Отанам кўзларида сеvinc ёшлари билан: "Тақдирингиз бор эканда, шу гўдакларга меҳрингиз берсанг, бир кунни сенга суянч бўлишига ишонамиз", дейишди. Болаларимнинг отаси жуда яхши инсон бўлган экан. Қўлимдан келгунча уларни ҳар томонлама тўқиб этиб воёга етказишга, бир касбининг эгаси қилиб тарбиялашга интиламман. Оталик бахтига муяссар бўлганим учун сизлардан бир умр миннатдорман.

АСҚАР,
Бухоро вилояти"

ТАХРИРИЯТДАН:

"Бахтли бўлинг" рўқнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Ўғлим жониворларни жуда яхши кўради. Ҳатто кўча-кўйда юрган эгасиз мушук-итларга ҳам раҳми келиб, бирор егулик ташлаб ўтишни қанда қилмайди. Бир ҳафта бурун Хастимом зиёратгоҳи ёнидаги маҳаллада яшайдиган танишимиз Раҳматиллохонниқига меҳмонга бордик. Уларниқанда каттакон иккита мушук бор

риб машинага чиқдик.

Эски шаҳар билан Миробод бозори ораси камида тўрт-беш чақирим келса керак. Шу кун мушук ул-бул нараса берса ҳам негадир емай, безовта бўлиб тинмай "миёв"лайверди. Дадаси ҳам "Бекор қилибсизлар-да олиб келиб, буни ўрганиши қийин", деб кўйди норо-

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ...

чиқди.

Тонги соат еттиларда Раҳматиллохон телефон қилиб, "Опа, нега бизнинг мушукни яхши меҳмон қилмадингиз? Сахармардонда уйга кириб келганини кўриб хайрон қолдим", деса бўладики?

Бу ажойиб янгиликни эшитган ўғлим шодон қийқираб юборди: «Хайрият, ўз уйига эсон-омон етиб олибди!»

Пойтахтнинг гавжум кўчаларида бирор шикаст емай шунча масофани босиб ўтган бу жониворнинг ўзи учун кадрдон гўшани қандай ҳолатда топиб боргани-ю, ўзига меҳрибонлик кўрсатган соҳибларига вафодорлиги, содиқлиги қалбимга ёруғ хис-туйғуларни солди. Ҳаётда айримларнинг бир-бирига меҳроқибатсизлигини кузатиб ачиниби кетсан киши. Аслида, бу дунёда яшамонинг ўзи бир ҳикмат. Шундай экан, азиз одамлар, бир мушук мисолида тугилган бу мулоҳазалар сизнинг ҳам эзгуликка, чин инсоний муносабатларга бўлган гўзал оламингизни янада нурафшон этади деб ўйлайман.

ОЙНУР

Уйини топиб борган мушук

экан. Қайтаётганимизда ўғлим шулардан бирини олиб кетамиз деб туриб олса бўладими. Мезбонлар олдида хижолат торганча, "Болам, эртага шанба кун Янгибод бозоридан ўзим сенга кичкина, ўргатса бўладиган мушукча олиб бераман" десам ҳам сира кўнмади. Ҳалиги бароқвой ҳам ўй мушуги эмасми, сал бошини силаб, нон берувди, бир пасда олдидан кетмай қолди. Хуллас, турли баҳоналар қилсақда, у барибир оёқ тираб олди. Ва мушукни кўта-



зи оҳангда. Шу кун яқин қариндошимизнинг туғилган кун эди. Бормасак бўлмайди. Уйни, эшик-де-разаларни маҳкам ёпиб, идишчага оғват қўйиб чиқиб кетдик. Кечаси соат ўнларда қайтиб келдик ва ўғлим югура солиб ичкаридан мушукни қидира бошлади. Йўқ, тополмадик, қарасак, дераза салгина қия очилиб қолган экан. Ўғлим кўзига ёш олиб: "Қаерга кетиб қолди экан-а? Кўчадаги ёввойи мушуклар талаб ташласа нима бўлади?" дея безовталаниб, эрталабгача ухламай

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

2012 йил учун даврий нашрларга обуна ташкил этишда ўртак кўрсатган матбуот тарқатувчилар, фаол фуқаролар, тадбиркорларни рағбатлантиради.

Жамоатчилик асосида обуна уюштирилганларга топширилган маблағнинг уч фоизигача мукофот берилади.

Обунани расмийлаштириб, нашрларни муштарийга етказиб беришни зиммасига олган тадбиркорлар, меҳнат ва ўқув жамоаси ҳамда маҳалла вакиллари шартнома асосида кўшимча рағбатлантирилади.



ОБУНАГА КЎМАКЧИ — «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

Газета, журнал ва китоб маънавият-маърифат, илму фан нурини ташийди, тафаккурни чархлайди. Зиё тарқатишдек савобли ишдан четда қолманг, азизлар!

МАНЗИЛ: Тошкент, 100000. Амир Темура 1-тор кўчаси 2-уй.

Тел\факс: (+998 71) 233 75 49 (+998 71) 233 67 98. E-mail: info@aktm.uz

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Бозлар ва овқатларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Бозлар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўләзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 15:00. Босишга топширилди - 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 100000. Амир Темура кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г - 1128. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади - 7588. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ

Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ

Мусаххиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,

Мафтуна МИНГБОВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5



Футбол. Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси ўз фаолияти давомида ўн биринчи маротаба футбол бўйича Ўзбекистон кубогини кўлга киритди.

"Ўзбекистон кубоги — 2011" мусобақасининг финал учрашувида "Пахтакор" футболчилари Қаршининг "Насаф" жамоаси билан куч сынашди. Ҳал қилувчи беллашувда ҳужумкор ўйин кўрсатган пойтахтликлар 3:1 ҳисобида зафар кучди.



"Пахтакор" га галаба келтирган голлардан иккитаси Ирақлий Климиашвили, биттаси Александр Клецков ҳисобига ёзилди. "Насаф"нинг ягона жавоб тўпини Жаҳонгир Жиямуродов ўйиннинг сўнги дақиқасида пеналтидан киритди.

"Пахтакор" футболчилари мамлакат кубоги соҳиби сифатида келаси мавсумда Осиё чемпионлар лигасида тўп суради.

Стол тенниси. Латвиянинг Рига шаҳрида 27 давлатдан келган спортчилар иштирокида ўтказилган "Гран-при" туркумига кирувчи халқаро турнирда Саида Маҳмудова, Нодира Бурхонқўжаева, Римма Гуфранова, Айнура Иброҳимова, Гулнора Акбарова, Шаҳзода Жумабоева ҳамда Ольга Кимдан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Швециянинг Стокгольм шаҳрида 54 мамлакат спортчилари ўртасида ўтказилган нуфузли мусобақада ҳам ўз маҳоратини намойиш этган ўзбекистонлик теннисчилар умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

Бокс. Қозоғистоннинг Оқтоғ шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталаридан тўрт нафари совриндор бўлди. Ҳамюртларимиздан Олим Хусанбоев барча учрашувларни галаба билан яқунлаб, халқаро турнирнинг олтин медалини кўлга киритди.

Алишер Маҳмудов қумуш медалга сазовор бўлган бўлса, оғир вазнли боксчилар баҳсида муваффақиятли қатнашган Муҳиддин Маҳаммов ва Фаррух Қиличевга бронза медалъи насиб этди.

Месса «Йил кишиси» бўлишга номзод

«Барселона» жамоаси ҳужумчиси Лионель Месса Америка Қўшма Штатларида чиқадиган энг машҳур «Time» журналы версияси бўйича «Йил кишиси» номига даъвогарлар рўйхатида киритилди. Аънаанага кўра ушбу журналнинг декабрь ойидаги сониди «Йил кишиси» номи эълон қилинади.

Ушбу рўйхатда Мессига Хиллари Клинтон, Сильвио Берлускони, марҳум Стив Жобс сингари жанангдор номлар рақобат қилади.

Интернет манбалари асосида Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.